Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 82 (5873).
8 АПРЕЛЬ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ — ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР ШАҲРИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини амалга оширишда, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашганлиги учун ва 60 йиллиги муносабати билан **Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1985 йил 5 апрель.

Ёркин ҳаётимиз зийнати

Янгича анъаналар ва маросимлар... Кундан-кунга улар ҳаётимизга чуқур сингиб бормоқда. Ишчилар сафига қабул қилиш, чиқарилувчилар куни, оналик байрами, унутилмас тўй тантаналари инсон ёдидан умрбод ўчмайди. Бу анъаналарни ҳаётга тадбиқ этишда жамоатчилик ташкилотлари катта роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми Тошкентда ва республикада совет байрамлари ва урф-одатларини янада кенг жорий этишга қудратли омил бахш этди.

КПСС Марказий Комитетининг март [1985 йил] Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев ўз нутқида таъқидлаганидек, партия бундан буён ҳам совет кишиларининг янада равнақ топишлари учун бутун чораларни кўраверади. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигини ҳар куни, ҳар дақиқа ҳис этиб турибмиз. Бунга жавобан эса совет кишилари зарбдорона меҳнат қилмоқдалар.

Тошкентга Бутуниттифоқ семинар-кенгашн қатнашчиларн келишмоқда. Унда совет байрамларн ва урф-одатларнинг тарбиявий ролини ошириш, атеистик тарбиянн кучайтириш ва бошқа масалалар кўриб чиқилади. Газетамизнинг бугунги сонида сиз Тошкентда янгича анъана ва урф-одатларнн турмушга тадбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақидаги ранг-баранг материаллар билан танишасиз.



ТОШКЕНТ. 1985 йил 6 апрель. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг республика комсомоли 60 йиллигига бағишланган тантанали пленуми.

В. МОЛГАЧЕВ ва С. МАҲКАМОВ фотоси.

ТУҒИЛГАН КУНИНГ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ!

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи 60 ёшга тўлди. 6 апрель куни Тошкентда шу воқеага бағишлаб Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитетининг тантанали пленуми бўлди.

В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройининг байрамона безатилган залига саксонинчи йилларнинг комсомоллари билан бирга партия ветеранлари, дастлабки комсомоллар, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари, қардош республикалардан келган меҳмонлар тўпланишди.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан тантанали пленумнинг фахрий президиумига сайланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевга сўз берилади.

Сизларнинг пленумингиз, дейди у, мамлакатда КПСС XXVII съездига, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига актив тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда ўтмоқда. Бу эса ҳамма ишларимиз ва ташаббусларимизга алоҳида сиёсий маъно бахш этади. Совет халқи Ленин партиясининг улуғ ишига астойдил садоқатини, унинг сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлашини ўзининг фидокорона меҳнати билан намойиш қилмоқда. Партия — В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «Барча меҳнаткашларнинг устози, раҳбари, йўлбошчиси» бўла оладиган ҳақиқий авангард эканини халқимиз ўзининг бутун ҳаёт тажрибаси давомида билиб келмоқда.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон ёшлари, меҳнаткашлари ҳам КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини бажонидил қўллаб-қувватламоқдалар, КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари март Пленумининг ўртоқ М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлаш тўғрисидаги қарорини яқдиллик билан маъқуллямоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми ўртага қўйган вазифаларнинг миқёслари кенг, мақсадлари жуда юксакдир. Бу вазифаларни амалга ошириш учун барча совет кишилари жамият бахт-саодати йўлида зўр ғайрат билан ижодий ишлашлари, виждонан меҳнат қилишлари керак бўлади. Бу гап партия ва халққа садоқат билан хизмат қилишга тайёрлигини ўз ишлари, салмоқли амалий натижалари билан тасдиқлаши лозим бўлган комсомолларга, ёшларга ҳам тааллуқли эканлиги табиий.

Республика партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг йўл-йўриқларига, партия Марказий Комитети март Пленумининг кўрсатмаларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларига амал қилиб, меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоатини ва социал активлигини ҳар томонлама оширмоқда, талабчанликни кучайтирмоқда, интизомни мустаҳкамламоқда, кадрлар билан ишлашни яхшиламоқда.

Бу эса ўз самараларини бермоқда. Хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим соҳаларида ижобий натижаларга эришилди. Якунловчи йил ва умуман беш йиллик планлари ҳамда мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун кўп иш қилинмоқда. Ҳамиша бўлганидек, бу ишларга ажойиб ёшларимиз, улуғ Ленин номини ифтихор ва шараф билан оқлаётган республика комсомоли салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

ВЛКСМнинг бутун тарихи Владимир Ильич Ленин номи билан, унинг мангу барҳаёт таълимоти билан боғланган. Комсомол партиянинг фарзандидир, Советлар мамлакатининг жанговар ёшлигидир. Партия ўзининг ишончли, жанговар резерви бўлган комсомолни доимо меҳрибонлик билан тарбиялаб ўстирди, чиниқтирди.

Республика комсомолининг олтмиш йиллик йўлини Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Коммунистик партиясининг тарихидан ажратиб бўлмайди. Комсомол ўз камолотининг ҳамма босқичларида партия йўлидан борди, коллективлаштириш ва индустриялаш, социалистик жамият қуриш йилларида унинг актив ёрдамчиси бўлди.

Улуғ Ватан уруши йилларида комсомоллар кўрсатган ватанпарварлик, мардлик, Ватанга бениҳоя садоқат намуналари халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Ўзбекистоннинг 220 минг комсомоли ёки республика комсомол ташкилотининг 65 проценти фронтга кетди. Ёш ватанпарварлар, фронтчиларнинг ўғил ва қизлари уруш йилларида ўз оталарининг ўрнини олдилар. Уруш даврининг қийин шароитларида, ёлчиб овқатланмаган ва тўйиб ухлай олмаган даврларда улар завод ва фабрикаларда, қурилиш ва пахтазорларда фидокорона меҳнат қилдилар, Ғалаба учун мамлакат ичкарисида замин тайёрладилар. Кўчириб келтирилган минглаб оилаларни комсомоллар иссиқ бағриларига олдилар.

Ўзбекистон ёшлари урушдан кейинги йилларда ҳам фидокорлик ва меҳнат қаҳрамонлиги намунасини кўрсатдилар. Йигит ва қизлар янги саноат марказларини барпо этишда, Фарҳод ГЭСини, ноёб Бухоро — Урал, Ўрта Осиё — Марказ газ қувурларини қуришда, қўриқ ерларни ўзлаштиришда актив қатнашдилар.

В. И. Ленининг комсомол III съездида сўзлаган нутқини албатта. Бироқ эришилган натижа билан кифояланиб бўлмайди, қадам-бақадам, кун сайин олға бориш, тоборо кўпроқ ва яхшироқ пировард натижаларга эришиш керак.

Республика партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажариш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, Ўзбекистонда мамлакатнинг барча қардош республикалари ёрдамида барпо этилган зўр ишлаб чиқариш потенциалидан интенсив фойдаланиш борасида қилаётган катта ишларни сизлар яхши биласизлар ва бу ишларда ўзингиз ҳам актив қатнашаяпсизлар, албатта. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида кўп иш қилинди, ижобий силжишларга эришилди. Ўтакетган интизомсизлик, бўшашувчанликнинг ҳар қандай кўринишларига, партия, давлат, меҳнат интизомини бузиш ҳолларига, ҳар хил салбий ҳодисаларга қарши қатъий кураш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга қилинган ишларни сабот билан амалга ошириладиган катта ишларнинг бошланиши дебгина билмоқ керак. Аммо биринчи квартал якунларига кўра, республиканинг бир қанча корхоналари план ва мажбуриятларни бажармади, давлатга бир неча миллион сўмлик маҳсулот кам берилди. Бунга тоқат қилиб бўлмайди. Ҳали ҳам баъзи кишилар республикада тартиб ўрнатиш, вазиятни соғломлаштириш соҳасида кўрилаётган чораларни вақтинчалик ҳодиса, навбатдаги кампания деб ҳисобламоқдалар.

Ҳозир республика аҳолисининг кўп қисми ёшлардан иборат, халқ хўжалигида ишловчиларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ўзида 1 миллион 800 мингдан кўпроқ ВЛКСМ аъзоси меҳнат қилмоқда, 21 мингга яқин комсомол-ёшлар коллективи ишлаб турибди. Ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларидаги, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш, иқтисод ва тежамкорлик, Озиқ-овқат ва Энергетика программаларини бажариш учун курашда комсомолларнинг авангардлик роли йил сайин кучаймоқда.

«Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билими, ташаббуси ва ижодкорлиги — XI беш йилликка!» деган ватанпарварлик ҳаракатида 2,5 миллиондан зиёд ёш ишлаб чиқариш илғори қатнашмоқда. Қарийб икки минг комсомол-ёшлар коллективи, 139 минг йигит ва, қиз беш йилликнинг тўрт йили планларини муддатидан илгари бажариб бўлди, 800 йигит ва қиз ўн биринчи беш йиллик планлари республика юбилейигача бажариб бўлинганлиги ҳақида рапорт берди.

Буларнинг ҳаммаси яхши, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга қаратишлари зарур.

Биз республика комсомолларини, барча йигит ва қизларини жамики янги ва илғор тажрибаларнинг ташаббускорлари бўлишга, ижодкорлик, ташаббускорлик, социалистик омилкорлик кўрсатишга, план ва социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилишига эришишга чақирамиз. Улуғ Ленининг «Фақат ишчи ва деҳқонлар билан биргаликдаги меҳнатдагина ҳақиқий коммунистлар бўлиш мумкин», деган васиятини шараф билан бажармоқ керак.

Республика комсомоли Мирзачўл, Жиззах ва Қарши даштларининг қўриқ ерларини ўзлаштиришда кўпдан-кўп зарур ва фойдали ташаббусларни кўтариб чиқди. Бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда. КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг қарорларига жавобан юзлаб янги кўнгиллилар қалб амри билан ҳувиллаб ётган ерларни гуллаб-яшнаб турган воҳага айлантириш учун жўнаб кетдилар.

Айниқса, маҳаллий миллатлар вакиллари орасидан ишчилар синфининг ёш ўринбосарларини тарбиялаб воягa етказиш жуда катта сиёсий ва социал аҳамиятга молик вазифадир. Ёшларни ишчилар синфига мансубликдан фахрланиш туйғуси руҳида сабот билан тарбиялаш, ишчи касбларининг обрў-эътиборини кўтариш лозим.

Бошлаб юборилган умумий таълим ва ҳунар-техника мактаби ислоҳоти бу жиҳатдан жуда катта имкониятлар очади. Модомики шундай экан, комсомол ташкилотлари ислоҳот ўртага қўяётган масалаларни ҳал этишга активроқ қўшилишлари керак.

Дала ва фермаларнинг меҳнатчилари олдида мураккаб вазифалар турибди. Биз қишлоқ хўжалиги илғорларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида ҳаракатларимиз программасини белгилаб олдик. Бу программани бажаришда республика комсомоли, барча ёшлари муҳим ўрин олади. Пахтачиликни механизациялаш, маккажўхори дони етиштириш ишлари устидан оталиқ қилишга кўпроқ конкретлик бахш этиш зарур. Хуллас, Озиқ-овқат программасини амалга оширишда комсомолларнинг ҳиссасини доимо кўпайтириш керак.

Республика комсомоли ёш авлодни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш соҳасида катта тажриба орттирган. Сиёсий маориф системаси, партия билан халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойлари бўйлаб ўтказиладиган юришлар, интернационал дўстлик клублари — мана шуларнинг ҳаммаси ёшларни юксак сиёсий ҳушёрлик, буржуа идеологиясига, душман пропагандасига нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашга, СССР халқларининг улуғ қардошлик оиласига мансубликдан фахрланиш туйғусини камол топтиришга актив кўмаклашади.

Ёшларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан уйғун равишда вояга етказиш, оммавий физкультура ҳаракатини кенг авж олдириш, йигит-қизларни меҳнатга ва мудофаага тайёрлаш вазифаларини ҳал этишда ҳам комсомол муҳим роль ўйнайди.

Халқаро империализм, синфий душманларимиз совет ёшларига зарарли таъсир ўтказишга уринмоқда. Шу сабабли ёшларимизни коммунистик ғоявийлик, Ватанга садоқат руҳида бундан буён ҳам тарбиялайвериш, ВЛКСМ Устави, коммунизм бинокорининг ахлоқ кодекси ҳар бир йигит-қизнинг ҳаёт ва феъл-атвор нормаси бўлиб қолишига эришиш зарур.

Ҳозирги вақтда, мамлакатимиз, бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган бир пайтда бу ишни, айниқса, кучайтириш лозим. Комсомол тимурчилар ҳаракатини қайтадан тиклаши, ҳар бир уруш ветерани га меҳрибонлик ва эътибор кўрсатиши керак.

Ҳозирги халқаро вазиятнинг мураккаб шароитида потенциал душманимиз кўп миллатли Ватанимизнинг шон-шарафи ва озодлигига, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига тажовуз қилган тақдирда муносиб равишда қақшатқич зарбага учрашини билиши керак. Аммо бунинг учун, Владимир Ильич Ленин айтганидек, «ҳарбий ишни чинакамига ўрганиб олиш», ўзини меҳнатга ва мудофаага шайлаш керак.

Бу йил халқаро ёшлар йили, Ёшлар ва студентларнинг Москвадаги XII жаҳон фестивали йилидир. Бу эса тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда Ленин комсомолининг фаолиятини кучайтириш учун яхши шарт-шароит яратади. Ватанимизнинг тинчлик сўзи, социализм тўғрисидаги ҳақиқат чет эллардаги ҳар бир йигит ва қизга етиб борадиган бўлиши, уларни халқлар тинчлиги, социал тараққиёти ва дўстлиги йўлидаги ҳаракатда фаол қатнашишга руҳлантириши лозим.

Ўзбекистон комсомоли ўзининг Ленин партияси ишига садоқатини, кекса авлодларнинг қаҳрамонона анъаналарига содиқлигини меҳнатдаги ва ўқишдаги илҳомбахш муваффақиятлари билан тасдиқламоқда. Республика партия ташкилоти коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда комсомолнинг ролини ошириш ҳақида аввалгидек доимо ғамхўрлик қилаверади.

Республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини амалга оширишда актив иштирок этганлиги учун ҳамда олтмиш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди. И. Б. Усмонхўжаев шу мукофотни топширди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов республика комсомолининг олтмиш йиллигига бағишлаб доклад қилди. У Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг табрикномаси, республика комсомол ташкилоти Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди. И. Б. Усмонхўжаев шу мукофотни топширди.

Ўртоқ Алламуродов республика комсомолларининг катта отряди партия билан комсомолнинг шонли анъаналарини бундан буён ҳам муқаддас билиб асраб, кўпайтираверадилар, ўзларининг бутун кучи, билими ва ғайратшижоатини жамиятимизнинг социал ва иқтисодий тараққиётига, улуғ Ватанимизнинг қудратини кучайтиришга ва мудофаа қобилиятини оширишга бағишлайверадилар, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб оладилар, деб республика комсомоллари, барча йигит ва қизлари номидан КПСС Марказий Комитетига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ваъда берадилар.

Тантанали пленумда ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. В. Андрианов нутқ сўзлади. У республика комсомолларини шонли олтмиш йиллик билан қутлади, Ўзбекистон комсомоллари ва ёшларига социалистик Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатда ва ўқишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Пленумда сўзга чиққан делегацияларнинг раҳбарлари: ВЛКСМ Москва шаҳар комитетининг секретари А. О. Перфильев, Ленинград область комсомол комитетининг иккинчи секретари С. Е. Романов, Иваново область комсомол комитетининг биринчи секретари Н. Л. Вислова, Қозоғистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Абдраҳманов, Қирғизистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари О. А. Абдикаликов, Тожикистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. М. Султонов, Туркманистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. К. Чориева республика комсомол ташкилотига қизғин қутловлар топширишди.

Комсомол ветеранлари номидан дастлабки комсомолларнинг ишлаб чиқариш ёш илғорларига мурожаатномаси топширилди. Мурожаатномада ҳозирги авлод совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини муқаддас билиб асраш ҳамда кўпайтиришга даъват этилган.

Йиғилиш аҳли республика шонли пионерлари вакилларининг, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи жангчиларининг табрикномаларини самимий кутиб олди.

Пленум қатнашчилари республика комсомолининг 60 йиллиги номидаги кўнгиллилар отрядига зарбдорларча меҳнат қилиш учун оқ йўл тилаб қолдилар. Бу отряд тўппа-тўғри пленумдан Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё областларидаги қўриқ районларни ўзлаштиришга, Новгород областига жўнаб кетди. Пленум арафасида эса 320 нафар йигит ва қиз комсомол йўлланмалари билан Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришга, «Атоммаш», Череповецдаги «Аммофос» заводи қурилишига йўл олган эдилар.

Пленум КПСС Марказий Комитетига баланд руҳ билан табрикнома йўллади.

Тантанали пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазотов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, У. У. Умаров, В. А. Хайдуров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БУГУН

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг X пленуми бўлади. У КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш юзасидан шаҳар партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилади.

(Пленум иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг келгуси сонида ёритилади).





2. ЁРҚИН ҲАЁТИМИЗ ЗИЙНАТИ

Совет кишилари янгилик сари интилиб, бутун маънавий бойлигимизни қадрлашга, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишга ҳаракат қилишмоқда. Биз ҳаётимиздаги шонли анъаналар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Суратдаги йигит ва қизларнинг қувончи чексиз. Улар илк бор ҳаётда ғалабага эришиб, социалистик мусобақада ғолиб чиқишди. Анъанага кўра ғолибларни шарафлаш бизда одат тусига кирган.

Бугун суратдаги ҳайдовчининг қувончи чексиз. У меҳнатда катта ғалабани қўлга киритди. Ўзи кўзлаган мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилиб, бир миллион километр йўлни капитал ремонтсиз босиб ўтди. Эришилган муваффақиятнинг қанчалик машаққатли эканлигини тажрибали ҳайдовчилар яхши билишади. Ана шундай меҳнат илғорлари эса бизда доимо шон-шарафга лойиқ.

Ёшлик—гўзаллик, деб бежиз айтишмаган. Аммо ҳаётимиз кўрки бўлган отахонлар умумхалқ ҳашарига тўпланиши ҳам катта шодиёна. Онлада фарзанд туғилиши эса катта бахт. Бу фақатгина онлавий тантана бўлиб қолмай, бутун яқинларнинг, таниш-билишларнинг байрамидир. Чунки гўзал жамиятимизнинг яна бир гражданн дунёга келди.









• Ишчи—улуғ ном

УНУТИЛМАС КУН

● ЁШЛАРНИНГ ИШЧИЛАР СИНФИГА ЎТИШИ — ҲАЯЖОНЛИ, УНУТИЛМАС ҲОДИСА ● ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИДА НЕГА БУ ЯХШИ АНЪАНА УНУТИЛЯПТИ!

Пардозлаш фабрикасининг ёш бракловчилари бу куннинг узоқ вақт эслаб юрдилар. Иш сменасидан кейин уларни «Қизил бурчак»ққа таклиф этишди.

Залда ёшларни музика, гулдасталар билан қарши олишди. Уларга қарсаклар чалишди. Бу ерда ҳозир бўлганлар юзида табассум ўйнарди. Қизлар куйлар ва гуллар ҳам, қарсаклар ҳам улар шарафига эканлигини тушунишди. Фабриканинг меҳнат аҳли, ветеранлар ўша декабрь кунида ишчилар синфига тантанали қабулни ташкил этишди.

Минбарга фабрика техника контроли бўлими бошлиғи Елена Константиновна Грудницкая — ишлаб чиқариш ветерани, тинибтинчимас мураббий кўтарилди.У ёш ишчиларни газламадаги озгина нуқсонларни ҳам аниқлашга ўргатиш учун кўп қимматли вақтини сарфлади. У сифат назоратчиси — ишлаб чиқариш ва харидор манфаатларининг ҳушёр ҳимоячиси эканлиги ҳақидаги тушунчани тинмай ёшлар онгига сингдирди. Назоратчи доим эътиборли бўлиши керак. Нуқсонли маҳсулот магазин жавонларида, тикув корхоналарида пайдо бўлмаслиги лозим. Совет харидорига юқори сифатли газлама тайёрлаб бериш керак. Агар рекламация бўлмаса, бу бракловчилар яхши ишлашди, фабрика маркаси шарафини зўр ҳимоя қилиш демакдир.

Ўқув даври ортда қолди. Қизлар эндиликда мустақил ишлашяпти. Устозлари ўргатгандек тез ва ҳафсала билан меҳнат қилишяпти. Улар ишидан шикоят йўқ. Бугунги кунда коллектив тантанали тарзда уларни ўз ишчи оиласига қабул қилиб, ишонч ва муҳаббат билан чулғаяпти.

Ҳаяжон билан, чин юракдан сўзлаган Елена Константиновнани қизиқиш билан тинглашди. У фабрика коллективи ёшлар ҳисобига кўпайганлигини кўриб қувонаётганлигини ҳамма билди. Бу кайфият «Қизил бурчак»да иштирок этаётганларнинг барчасига ёйилди.

Энг яхши меҳнат анъаналари фабрикада давомий эканлиги ҳақида пардозлаш фабрикаси партия комитети секретари Фарида Солиҳовна Синицина гапирди. У ёш ишчилардан уч нафари — С. Жулина, Е. Родионова ва Г. Ғойипова ҳозирдан намуна бўлиб, ҳаммадан аввал йиллик топшириқни бажарганлиги ҳақида сўзлади. Ёш коммунист У. Орифжонова, КПСС аъзолигига кандидат Ш. Каримбоева ҳам меҳнатдаги ютуқлари билан донг таратишяпти.

Фабрика бош инженери О. Азимов сўз олади. У шунга ишонч билдирдики, ўзини яхши томонларини намоён этган ёш бракловчилар бундан буён ҳам илғор ишчилар — 80-йилларнинг стахановчиларига тенглашиш учун интилади. Қизларни назорат-браклаш цехи бошлиғи Р. Хромова табриклаб, уларга келгусида янги зафарлар тилади.

Ёш назоратчи Е. Родионова ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар учун миннатдорчилик билдирди. У ишлаб чиқариш таълими инструкторлари С. Исаева ва Т. Асадченко, мастер Т. Фаткулина тўғрисида миннатдорчилик билан гапирди. Уларнинг барчаси қизларга танлаган соҳаларида ўзларини ўнглаб олишларида ёрдам беришди.

Жонажон ишлаб чиқаришга, коллективга садоқатли бўлиш, меҳнат юксак самарали бўлиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш тўғрисидаги қасам ўқилган пайт айниқса унутилмас бўлиб қолди.

Музика ва дўстона қарсаклар остида қизларга назоратчилар курсини тугатганликлари ва улар касб эгаси бўлганликлари тўғрисидаги гувоҳнома топширилди. Ҳар бир ёшга одатдагидек бўлмаган совға тақдим этилди: альбом ичига бракловчилар ишлай бошлагандаги дастлабки газламадан намуналар солиб берилди.

Ишчилар синфига бағишлов маросими хотирада бир умр қоладиган байрам бўлди.

Тошкент тўқимачилик комбинатида ишчилар синфи сафига ўтиш анъана бўлиб қолди. Улар кўп марта бўлди ва ҳар бири қалбларда ажойиб таассурот қолдирди. Лекин сўнгги пайтда бундай маросимлар ўтказилмай қолди. Нима, фабрикаларга ёш ишчилар келмаяптими? Сўнгги пайтларда ҳеч ким касб ўрганмадими? Афсуски, бугунги кунда фабрикаларда бу воқеани тантанали нишонлашга шошилишмаяпти.

И. МАРГОНИН.

• Олий ўқув юртларида

АКТУАЛ МАВЗУДА

Жонажон Коммунистик партия халқ фаровонлигини ошириш билан бирга турмуш маданиятини коммунизм идеалларига мос тушадиган янгича урф-одатлар ва янгича анъаналарни ривожлантириш учун кенг истиқболлар очиб бермоқда. Пировард натижада бу янги инсонни шакллантиришда катта роль ўйнайди. Унинг баркамол инсон бўлиб етишишига хизмат қилади. Бу анъаналар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумларида таъкидланганидек кўзбўямачилик, текинхўрлик, давлат ва кишилар мулкига кўз олайтириш, маналик, мактанчоқлик сингари иллатларнинг илдизини бутунлай қуритиш учун курашга чорлайди.

Яқинда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида «Коммунистик тарбия жараёнида янгича совет маросимлари ва байрамларининг роли» мавзуда бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ана шу актуал масалага бағишланди. Конференцияни очган университет ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Ҳ. Сирожиддинов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан сўнг республикамизда янги совет маросимлари ва анъаналарини ўтказишга ижодий ёндошилаётгани ва уларнинг тарбиявий аҳамияти тўғрисида сўзлади.

Фалсафа фанлари доктори Маҳмуджон Нурматов «Маросимларнинг эстетик моҳияти» деган мавзудаги докладида янгича урф-одатлар ва анъаналарни ривожлантиришда миллийлик ва интернационализм принципларининг диалектикаси тўғрисида гапирди.

Конференцияда сўзга чиққанлар меҳнаткашлар ва студент-ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда катта аҳамият касб этаётган замонавий, янгича анъаналар, байрам ва урф-одатларнинг роли тўғрисида фикр юритдилар.

Т. ЭШБЕКОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари—амалда

ТОШКЕНТ—ЯНГИЧА

• Ибрат олса арзийди

АНЪАНАЛАРГА СОДИҚМИЗ

Ёшларимизнинг кўплаб шонли анъанавий одат ва маросимлари бор. Уларнинг ҳаммаси йигитлар ва қизлар ҳаётидаги ажойиб воқеалар бўлиб, уларнинг хотирасида мустаҳкамланиб қолади. Улар катта авлоднинг ёшларга ғамхўрлигини, ёшларимизнинг энг яхши ҳислатлари авлоддан-авлодга эстафета тариқасида ўтишини, ёшларнинг оталаримизнинг жанговар, революцион ва меҳнат анъаналарига садоқатини акс эттирувчи анъаналардир.

Минглаб ёш тошкентликлар ўзларига В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида қизил галстук тақилган, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ёнида комсомол билетлари топширилган тантанали ва қувончли дақиқаларни бир умр эслаб юрадилар. В. И. Ленин майдонида шаҳдам қадам ташлаб бораётган шинелли, қўлларида автоматлари бўлган болаларни қайси тошкентлик кўрмаган дейсиз? Ўзбекистон пойтахти мактаб ўқувчилари ҳар куни, ҳар қандай об-ҳаво шароитида Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлганлар хотирасига порлаб турган сўнмас олов ёнида фахрий қоровулликда туришади.

«Ишчилар сафига қабул қилиш», «Чақирилувчилар куни», «Балоғат ёши», «Биринчи маош куни» каби байрамларга ёшлар билан учрашиш учун ишлаб чиқариш пешқадамлари, меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари келишади. Улар ёшларга оқ йўл тилашади. Киши қай даражада касб маҳоратини ошира бориши ҳақида ўз тажрибаларини сўзлаб беришади. Бизнинг жамиятимизда киши меҳнатига яраша шон-шараф қозонажагини ёркин мисолларда ҳикоя қилишади.

Масалан, Ленин райони комсомол ташкилотлари театрлаштирилган кўчалар байрамлари ўтказишяпти. Будённий ва Мирсолиҳон номли кўчаларда ўтказилган байрамларда ёшлар ўз кўчаларига номи қўйилган қаҳрамонларнинг ҳаёт йўли ҳақида ва шу кўчаларда ўзлари билан ёнма-ён яшаётган ҳурматли кишилар ҳақида кўп нарсаларни билиб олдилар, бир-бирлари билан танишдилар.

Райондаги барча мактабларда ҳар йили биринчи ва сўнгги қўнғироқ байрамлари ўтказилади. Бу йилдан бошлаб тинчлик дарслари ўтказиляпти.

Мактаблар, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртларида паспортлар тантанали суръатда топширилади. Шаҳар комсомол ташкилотлари қардошлик мозорларини, ёдгорликларни оталиққа олишган, ҳалок бўлганларнинг оилаларига, уруш ва меҳнат ветеранларига оталиқ ёрдами кўрсатишаяпти. Масалан, Октябрь районида ўқувчилар ўзлари оталиққа олган уйларига «Бу ерда Улуғ Ватан уруши ветерани яшайди» деб ёзилган лавҳалар ўрнатишган.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов районида комсомол-ёшлар тўйларини ўтказиш, Совет Армияси сафларига кузатиш каби маросимларни ўтказиш ёшлар ўртасида оммалашган. Киров, Шарқ юлдузи маҳалла комитетларида халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тадбирлар уч авлод вакиллари учрашуви, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар уюштириш анъанага айланган.

Ўзбекистон пойтахтида Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғида баҳорги дўстлик карнавалини ўтказиш яхши анъанага айланди. Карнавал ғоят мазмунли ва қизиқарли ўтади.

Яқиндагина Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги байрами кунларида ёшларнинг урушга қарши намойиши бўлиб ўтди. Ёшларнинг отрядлари Космонавтлар проспекти, Инқилоб хиёбони ва Кафанов паркидан ўтиб пойтахтимизнинг бош майдони — В. И. Ленин номли майдонга келишди. Бу ерда тинчликни таранnум этувчи театрлаштирилган байрам программаси намойиш этилди. Вокаль-чолғу ансамбллари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ёшларнинг «Биз тинчлик истаймиз», «Жаҳонга тинчлик» деган хитоблари баралла янгради.

М. ЮНУСОВ,

шаҳар комсомол комитетининг пропаганда ва агитация бўлими инструктори.

• *Шаҳримиз маҳаллаларида*

АҲИЛ ОИЛА

Шаҳримиздаги маҳаллаларнинг кўпи жуда қадим замонларда таркиб топган бўлиб, территориал жиҳатдан шаҳарнинг маълум бир қисмидаги хонадонлардан иборатдир. Уша пайтлардаёқ аҳоли вакиллари —оқсоқоллар маҳалла чойхонасига тўпланиб, ўз турмушларига оид деярли барча масалаларни биргаликда муҳокама этишган. Чунончи, кўчалар ва ҳовлиларни озода тутиш, ариқларни тозалаш ва қазиш, болалар тарбияси билан шуғулланиш, кўни-кўшнилар ўртасидаги низоли мунособатларни бартараф этиш шулар жумласидандир. Маҳалла аҳолисидан бири бошига ташвиш тушса, ҳамма ёрдамга келган. Булар маҳалла турмуш тарзидаги ижобий анъаналар бўлиб, ёш авлод тарбиясида, айниқса катта роль ўйнаганини таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Бизнинг давримизда маҳаллалардаги энг яхши анъаналар давом этмоқда ва янгича социалистик мазмун билан бойимоқда. Маҳаллаларга аҳоли томонидан сайлаб қўйилган маҳалла комитетлари бошчилик қилмоқда. Бу комитетлар аҳолининг ташаббускор органи бўлиб, ўз фаолиятида СССР ва Ўзбекистон ССР Қонунларига, Ўзбекистон ССР Қонунларига, Ўзбекистон шаҳарлари, посёлкалари ва қишлоқларидаги маҳалла (квартал) комитетлари тўғрисидаги Низомга, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, уларнинг ижроия комитетларининг қарорларига, гражданларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишлари қарорларига амал қиладилар.

Маҳалла комитетлари фаолияти устидан халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари раҳбарлик қиладилар. Бу раҳбарлик уларнинг ишини текшириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг раисларни, секретарлари билан кенгашлар ва семинарлар ўтказиш, энг муҳим қонунларни тушунтириб бериш орқали амалга оширилади.

Комитетларнинг бутун фаолияти аҳолини ўз территориясида давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал этишга кенг жалб қилишга қаратилган.

Маҳалла комитети гражданлар ва уларнинг вакилларининг умумий йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланади. Ҳозир маҳалла комитетлари раислари орасида 160 коммунист, 135 партиясиз, 147 олий маълумотли кишилар бор бўлиб, 156 киши ўз меҳнат фаолиятини маҳалла комитетидаги жамоат иши билан қўшиб олиб боряпти.

Ҳозир Тошкентда 295 та маҳалла комитети ишлаб турибди. Улар ўз фаолиятларини тобора активлаштириб, гражданларни давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал этишга кенг жалб этмоқдалар. Комитетларнинг турли жамоат комиссиялари тузилган. Булар —санитария, маданий-оқартув, хотин-қизлар ўртасида ишлаш, болалар билан ишлаш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш комиссияларидир.

Собир Раҳимов районидаги Абу Райҳон Беруний номли, Октябрь районидаги «Илғор» маҳаллаларида тузилган маҳалла комитетлари ҳар томонлама намунали фаолият юритяпти. Улардаги иш плани атрофлича пухта тузилган, Белгиланган тадбирларнинг ўтказилиш муддатлари ва тадбирни ўтказувчилар аниқ кўрсатилган. Чунончи, Буюк Ғалаба нинг 40 йиллиги, СССР халқларининг бузилмас дўстлигига бағишланган тадбирлар, лекция ва суҳбатлар қизиқарли ўтяпти. Ишлаб чиқариш, фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар уюштириляпти. Бу маҳалла комитетлари қошидаги жамоат комиссияларига аҳоли ўртасида обрўга эга бўлган яхши маълумотли кишилар бошчилик қилишмоқда.

Абу Райҳон Беруний номли, «Илғор» каби юксак маданиятли, намунали жамоат тартиби ўрнатилган маҳаллалар шаҳримизда анчагина. Собир Раҳимов районидаги Абдулла Набиев, Пушкин, Октябрь 40 йиллиги, Октябрь районидаги «Обод», «Қизил шарқ», «Янги шаҳар», «Каттабоғ», Ҳамза районидаги «Гулистон» ва бошқа маҳаллаларнинг активлари ҳам жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти. Буларда янгича маросимлар ва одатлар турмушга дадиллик билан тадбиқ этиляпти. Аҳоли ўртасида маданий-оқартув ишлари олиб бориш, бадиий ҳаваскорлик ва спортни ривожлантириш, тегишли мутахассислар иштирокида лекциялар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари уюштириш яхши йўлга қўйилган. Маҳалла комитетлари кўпгина тадбирларни педагогика коллективлари билан ҳамкорликда ўтказишади. Умумий таълим ва ҳунар-техника таълимини ислоҳ қилишнинг янги программасини амалга оширишда мактабларга катта ёрдам кўрсатишяпти.

Шунингдек, маҳаллаларда хотин-қизларни, мактабни эндигина битирган ёшларни ишга жойлаштириш борасида жон куйдиришади. Намунали жамоат тартиби ўрнатиш, ҳовлилар ва кўчаларни ободонлаштириш эътиборда.

Шуни ҳам айтиш керакки, маҳалла комитетлари бошқа жамоат ташкилотлари билан яқин алоқада бўлган тақдирдагина, шунингдек хўжалик ташкилотлари билан доимий муносабат ўрнатгандагина самарали фаолият юритиши мумкин. Ишга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида ёндошаётган, янгича анъаналарни кенг тарғиб этишга интилаётган маҳалла комитетлари шаҳримизда кўп.

Хуллас, шаҳримиздаги маҳалла комитетларининг фаолияти, фойдали бўлиб, аҳолини уюштиришда самарали ижобий роль ўйнаяпти. Утмишдаги энг яхши анъаналар янгича мазмун касб этиб социалистик турмуш тарзимизни бойитяпти. Айни пайтда зарарли урф-одатлар барҳам топяпти. Маҳаллалардаги оилалар мустаҳкам бўлиб, никоҳ бузилишлари кам, болалар тарбияси яхши йўлга қўйилган.

Ҳозирги вазифа маҳаллалар территориясида аҳолининг яшаш учун барча қулайликларини яратишдан, маҳалла комитетлари фаолиятини янада активлаштиришдан иборатдир.

Ҳ. БОҚИЕВ,

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори.

• *Мен—Совет Иттифоқи гражданиман*

БИЗ – 16 ЁШДАМИЗ

Ёшлар ҳаётидаги энг муҳим воқеалар орасида паспорт топшириш маросими алоҳида ажралиб туради. Паспорт — унинг эгаси СССР гражданн эканлигини тасдиқловчи ягона ҳужжатдир. Шу боисдан биз паспорт топшириладиган тадбирни бир умр эсда қоладиган қилиб ўтказишга интиляяпмиз.

Мактабларда тантанали йиғилишлар ўтказиш яхши анъанага айланди. Одатда 10-синфга ўтган ёшлар 16 ёшга тўлганларини нишонлайдилар. Шу куни уларнинг ҳузурига пионерлар, ўқитувчилар, ота-оналар, меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари келишади. Байрамга ўқувчиларнинг ўзлари, уларнинг ўқитувчилари тайёргарлик кўришади. Улар бадиий ҳаваскорларнинг чиқишларини тайёрлашади, мажлислар залини безатишади.

Биз паспортларни оммавий равишда топширишни шонли саналарга—Улуғ Октябрь байрами, Ғалаба кунига тўғрилашга интиламиз. Яқинда 116-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан бир группасига тантанали суратда паспортлар топширилди.

Ҳаётга қадам қўяётган ёшларга қарата яхши истаклар билдирилди. Улар ўз навбатида Советлар мамлакатининг муносиб гражданлари бўлишга, ота-оналарнинг шонли анъаналарини давом эттиришга сўз бердилар. Шундай тадбирлар райондаги 123, 197, 177, 106, 144-мактабларда ҳам бўлиб ўтди. Ёшлар тантанали кечаларда айтилган сўзларни узоқ вақт эслаб юрадилар.

Н. ПИСКУНОВА,

Акмал Икромов район ички ишлар бўлими паспорт бўлинмасининг бошлиғи.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

«Билимлар уйида» Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб тематик кечалар туркуми бошланди. Комсомол-ёшлар СССР халқ артисти, фронт концерт бригадасининг қатнашчиси Тамараханим билан учрашдилар. У Совет Иттифоқи Қаҳрамони Александр Матросов номидаги машҳур гвардиячи ўқчи полкида ижро этган қўшиғини қўйлади.

Гитлерчилар Сталинградга вақшиёна ҳужум қилган оғир кунларда Берлин устига ҳам бомбалар ёғилган эди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони ёзувчи Б. Тихомолов тўпланганларга уруш йилларининг ана шу хотираларидан сўзлаб берди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Н. К. Абубакиров ҳам совет кишиларининг уруш йилларидаги матонати ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Ҳа, у кунлар шуҳрати сўнмайди. Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди. Урушнинг номи ўчсин. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, композитор ва журналист В. Дементьев учрашувни олиб борди. Фронт қўшиқлари қуйланди.

«ҒАЛАБА» ХИЁБОНИ

Тошкентликлар хуш кўриб оммавий равишда дам оладиган зоналардан бири «Роҳат»да Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига хушманзара дарахтларнинг қимматли навларидан хиёбон барпо этиладиган бўлди. Бу ерда Ўзбекистон пойтахтини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришдан иборат анъанавий икки ойлик вақтида Ҳамза район ижроия комитетининг ходимлари билан бирга медицина институтининг студентлари ва индустриал-пед а г о гика техникуми талабаларидан мингга яқин киши шанбаликларга чиқмоқдалар.

• Вақт, воқеалар, одамлар

ТУРМУШ УЧУН КЕРАКЛИ

Республикамиз нашриётларида чоп этилаётган кўпгина китоблар совет турмуш тарзининг моҳияти, унинг тараққий этган социализм даврида ривожланиш хусусиятлари ва методларини тадқиқ этишга бағишланган. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга бағишланадиган китобларни тайёрловчи нашриётларнинг асосий фаолияти марксча-ленинча ғояларни, социалистик турмуш тарзини, энг яхши анъаналарни давом эттириш, замондошимизнинг маънавий бойлигини ҳар томонлама тарғиб қилиш ва намойиш қилишдан иборат.

Кейинги бир неча йил давомида илмий-атеистик билимларни, янги социалистик анъаналар ва урф-одатларни пропаганда қилувчи 60 дан ортиқ китоб ва брошюра нашр қилинди. Улар орасида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленининг дин ҳақида, В. И. Ленининг «Социализм ва дин» китоблари нашр этилди. Яқиндагина А. Тўхтасинов ва Н. Раҳимовнинг «Никоҳ, оила, жамият» китоби нашрдан чиқди. Бундан ташқари «Янги урф-одатлар, яхши анъаналар», «Ишончли атеистларни тарбиялаш», «Илғор урф-одатлар ёшлар турмушида», «Оила ва социалистик турмуш тарзи» китобларида совет кишиларининг турмуш тарзи ҳақида кенг фикр юритилади. Бу асарларда турмуш тарзининг тузилиши ва шакллари ёритилган, республикада турли байрамларни ташкил этиш ва ўтказиш тажрибаси умумлаштирилган, социалистик жамиятда бунёд бўлган маросимларнинг моҳияти очиб берилган, янги инсоннинг маънавий ахлоқи, ватанпарварлиги, интернационал бурчи, совет кишиларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти кўрсатилган.

Р ИГНАТОВА.

2 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

8 АПРЕЛЬ, 1985 й.

• Бизнинг интервью

ҲАР БИР ХОНАДОНДА БАЙРАМ

Мана, учинчи йилдирки, Октябрь районининг ЗАГС бўлими энг яхши ЗАГС бўлимлари конкурсида сурункасига шаҳар бўйича биринчи ўринни ва республикамиз бўйича эса иккинчи ўринни олиб келмоқда. Мухбиримиз район ЗАГС бўлими мудири М. Шарипова билан учрашди.

— Мастура Аҳоровна, ўзингизга яхши маълум, ЗАГС бўлимларида янгича анъана ва урф-одатларни турмушга тадбиқ этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Айтингчи, коллектив бу муҳим вазифани қандай адо этяпти?

— Бизнинг турмушимизда никоҳ маросими, чақалоқ дунёга келиши энг унутилмас ва ҳаяжонли воқеа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу тантаналарга алоҳида аҳамият берамиз. Энг аввало, никоҳ маросими ёки чақалоқ дунёга келиши қайд этилиши қанчалик яхши ўтказилса, шунчалик у келин-куёвлар ёки ота-оналар ёдида узоқ вақт қолади. Партия ва совет ташкилотларининг амалий ёрдами туфайли, республика Юстиция министрлигининг ЗАГС ишларига раҳбарлик бўлими кўмагида бўлишимизнинг асосий фаолияти никоҳ ва оила тўғрисидаги совет қонунчилиги асосларини аниқ бажаришга, гражданлик ҳолати актларини ўз вақтида ва кўнгилдагидек қайд этишга, янги анъана ва урф-одатларни турмушга тадбиқ этиш ва пропаганда қилишга қаратилмоқда. Бу йўналишда ЗАГС бўлими ўз ишини районимиздаги янги анъана ва урф-одатларни пропаганда қилиш ва жорий этиш комиссияси билан узвий ҳамкорликда амалга оширди.

Туғилган кунни қайд этиш тантанали маросими турмушимиздан мустаҳкам ўрин олди. Бу тадбир туғруқхоналарга бориб ўтказилмоқда, жамоатчилик вакиллари иштирокида туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар топширилмоқда. Турмуш қураётган йигит ва қизлар никоҳ маросимини умрбод ёдларидан чиқармасликлари учун бўлим ходимлари иккита узук, СССР герби тасвири туширилган лента, чиройли миллий кўйлаклар билан таъминландилар.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми партия, совет ва хўжалик органларининг услубини такомиллаштиришга ҳам жиддий эътибор қаратди. Бўлимингиз коллективи юзакичилик, сансалорлик сингари ҳолларга барҳам бериш бўйича пленум қарорларидан қандай хулосалар чиқарди?

— Тадбирларимиз қандай бажарилаётгани текширилганда шу нарса таъкидландики, оила ва никоҳ муаммолари, оилавий муносабатлар масалалари, этика-психология, медицина, тарбиявий ва юридик масалалар юзасидан аҳоли ўртасида олиб борилаётган оқартув ишларимиз ҳали етарлича эмас. Масалан, янги оила қураётганлар учун, чақалоқлар ҳамда кумуш ва олтин тўйларнинг юбилярлари учун табрик открыткалари ва эсдалик совғалари тайёрлаш масалалари бир мунча эътиборимиздан четда қоляпти. Ҳозир ғоят қисқа муддат ичида бу борадаги аҳволни тузатиш учун ишлар қилиняпти.

Биз район «Билим» жамияти лекторлари билан ҳам алоқани бирмунча бўшаштириб юборган эдик. Ҳолбуки, улар кучи билан ахлоқий-этика мавзуларида лекция ва суҳбатлар ўтказиш кўзда тутилган эди. Шуниндек ЖЭКлар ва маҳалла комитеталарининг тўй комиссиялари раислари билан ҳанузгача алоқа ўрнатилганича йўқ. Ота-оналар халқ университетлари тематикасига тўйларнинг формаларини ва мазмуни тўғрисидаги масалалар киритилмаган. Буларнинг ҳаммаси биздан ғоят қисқа муддат ичида мавжуд аҳволни тузатишни талаб этади. Ҳозиргача бу йўналишда кўпгина ишлар қилинди.

— Очиғи, ЗАГС бўлимлари ишида резервлар ҳам оз эмас. Агар улардан тўла фойдаланилса, оилавий тантаналарни янада ранг-баранг ва қизиқарли ўтказиш мумкин. Бу борадаги фикрингиз қандай?

— Кенг жамоатчилик муҳокама этадиган масалалар ҳам бор. Айниқса иккинчи марта турмуш қураётган гражданлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш керак, деб ўйлайман. Бундай никоҳларни ҳам тантанали суратда ўтказиш лозим. Эсингиздами, Тошкентнинг икки миллионинчи гражданини Саодат Дадахонованинг дунёга келиши республика пойтахти ҳаётида қанақанги воқеа бўлди! Янги микрорайонда янги уйнинг калити топширилгани жажжи Саодатнинг ота-онаси ёдидан умрбод ўчмайди. Фақат уларнингина эмас, балки кўпчилик тошкентликлари и н г ҳам ёдидан чиқмайди. Ишларимиз кишиларга фақат қувонч бағишлаши учун бошқа тантанали воқеаларга ҳам ана шундай муносабатда бўлишимиз керак. Ҳолбуки, ишимизда ҳали резервлар кўп. Фақат уларни ижодий ўрганиш, йўл қўйилган нуқсонларни таҳлил этиш, ЗАГС бўлими ишини янада такомиллаштириш, янги анъаналарни жорий этишни бундан буён ҳам активлаштиришимиз керак.

• Аҳоли турар жойларида

МАҲАЛЛА ОНАХОНИ

Алламаҳалда эшик тақиллади. «Ким экан? —ҳаёлидан ўтди Хумайра опанинг. Ў зудлик билан ўрнидан турди. Ташқарида аёл кишининг овози эшитилди. Эшик очилганда унинг рўпарасида нариги кўчада истиқомат қилувчи ёш жувон турарди.

— Кечирасиз, опажон,— деди у хижолатдан бош эгиб, —турмуш ўртоғим яна ичиб келиб бутун уйни бошига кўтаряпти. Болалар ҳам, ўзим ҳам безор бўлиб кетдим. Ўзингиз бориб тинчитмасангиз бўлмайдиганга ўхшайди.

Хумайра опа илтижо билан боқиб турган аёлни кўриб иложсиз қолди-да: «Ҳозир чиқаман», дея тез кийиниб чиқди.

Бу ёш жувоннинг уйига келишганда эрининг сўкинаётгани, ёш болаларнинг зириллаб йиғлаши эшитилди. Хумайра опани кўрди-ю, гапи оғзида қолди. Тундлик билан қоғозини уйиб нари кетди. Болалар қўрқа-писа она этагидан тутишди.

— Одамнинг ҳар нима бўлгани яхши. Бу қанақа бемаънилик, ярим тунда ҳаммани безовта қилиб?

— Мен.. мен... —ёш ота бир нарсани ҳарчанд тушунтиришга уринар, лекин кўп ичганидан тили айланмасди.

— Бўпти... Эртага гаплашамиз, жим ётиб дамингни ол.

Маст ота «хўп» деган маънода бош тебратиб, қўшни хонага кириб кетди. Икки аёл синган чинни идиш қолдиқларини йиғиштириб улгурмай бадмаст эрнинг ҳурраги эшитилди. Шундан кейин Хумайра опа хотиржам уйига жўнади.

Эртасига Октябрь районига қарашли 1 Май маҳалла комитетининг йиғилиши бўлди. Йиғилишга асосан ёшлар таклиф қилинди. Ички ишлар бўлими — ёш ота ҳам шу ерда эди. Маҳалла комитетининг раиси Хумайра Аъзамхўжаева йиғилишни бошлаб, кеча бўлиб ўтган воқеаларни йиғилганларга айтиб берди. Ёш ота қилмишига пушаймон бўлиб, кечирим сўради, иккинчи марта ичкилик ичмасликка сўз берди.

Мана шу йиғилишда Содиқжон деган киши ўғлини уйлантирмоқчи эканлигини айтиб маҳалла комитетидан, Хумайра опадан маслаҳат сўради.

— Жуда яхши, — деди маҳалла комитетининг раиси,— тўйни ўзимиз ўтказамиз. Лекин сиздан бир илтимос, биринчидан, исрофгарчиликка йўл қўймайсиз, иккинчидан тўйни ичкиликсиз ўтказасиз.

— Ахир, қандай бўларкин, ўғилчанинг ўртоқлари, яқинлари дегандек.

— Ичкилик учун тўйга келадиган одам келмай қўя қолсин.

Худди Хумайра опа айтгандек бўлди. Ичкиликсиз, дабдабасиз тўй ўтди. Шу маҳалдан-сайловгача» мавзуида ўтказилган тематик кеча ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ўзбек классик адабиётининг фахри, шоир в а мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 546 йиллигига ва ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ғафур Ғулом, Зулфия ва бошқа шоирларнинг оналарга бағишланган шеърлари янгради.

Хумайра опа Аъзамхўжаева бошлиқ маҳалла аҳли жамоатчилик ўртасида янгича анъаналарни кенг тарғиб қилишда, маҳаллада ўтказиладиган ҳар бир урф-одат в а маросимларга янгича руҳ беришда жонбозлик кўрсатишмоқда.

С. АСҚАРОВ,
М. ОРИПОВ.

Янгилик!
Хабарингиз борми?

ПРОПАГАНДА УЙИ

Тошкентда Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш пропаганда уйини очиш мўлжалланяпти. Мухбиримиз тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш жамияти шаҳар совети раисининг ўринбосари А. Муҳаммадкаримовдан бу воқеани шарҳлаб беришни сўради.

— Мана, бир неча йиллардан буён Абулқосим мадрасасида таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Ҳозир бу ишлар ниҳоясига етиб қолди, бу ерда пропаганда уйи очилади.

— **Пропаганда уйида қандай тадбирлар ўтказилади?**

— Кейинги йилларда шаҳримиз тез ўсди. Халқ архитектураси, халқ усталари ижоди ёдгорликларини сақлаб қолиш, янги анъана ва урф-одатларни эса турмушга тадбиқ этишни пропаганда қилиш ишлари билан шуғулланади. Пропаганда уйида республикамиз барча областларининг тарихий ёдгорликлари виставкалари тайёрланди. Пойтахтимиз меҳмонлари Тошкентга келишганда ўлкамизнинг тарихий-революцион воқеалари билан, унинг архитектураси, монументал санъати, археологияси билан танишадилар. Шунингдек, кинозалда ўлкамиз тарихи, Ўзбекистон санъати ва маданияти қадимий ёдгорликларини муҳофаза этиш тўғрисида фильмлар намойиш қилинади.

Кейинчалик эса бизнинг кўчма виставкаларимизни шаҳар районларида, унинг корхона ва ташкилотларида намойиш қилиш мўлжалланяпти.

Ёдгорликларни муҳофаза этиш секцияси катта иш олиб бораяпти. Бу ерда олимлар билан учрашувлар ва лекцияларда ташқари мақомчиларнинг чиқишлари, халқ аскиячиларининг мусобақалари, бадиий-ҳунармандчилик усталарининг конкурслари сингари қизиқарли тадбирлар ўтказилади. Областлардан таклиф этилган кишилар тўпланганлар ҳузурида ўз ҳунарлари ҳақида, унинг тарихи ҳақида сўзлаб беришади. Шунингдек бу ерда артистлар концертлар қўйишади. Ишлаб чиқариш илғорлари ва олимлари билан, Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини муҳофаза этиш жамиятининг активистлари билан учрашувлар бўлиб ўтади.

АНЪАНАЛАР ШАҲРИ

Совет турмуш тарзи

ЭЛ ЭЪЗОЗИ

Янги урф-одатлар ва маросимлар ҳаётимизга сингиб бормоқда. Ставрополь ўлкасининг Степанов районида колхоз байрами, Украинада эса Армияга кузатиш, ишчиларни шарафлаш, Москвадаги Тимирязев номли боғда пенсионерлар суҳбати ва рақсга тушиши жуда ҳам қизиқарли, мароқли ташкил этилади. Совет оиласининг байрамини нишонлаш ҳурмат ва муҳаббат рамзи бўлиб қолди. Яхши оилавий анъаналар ёшлар учун муносиб сабоқдир. Демак авлоддан-авлодга меҳнатсеварлик ва Ватанга, она диёрга, оилага бўлган муҳаббат ўзига хос катта мерос бўлиб қолмоқда. Байрамлар, маросимлар ҳаётимизга сингиб бормоқда — чунки улар инсонда энг яхши фазилатларни намоён қилади.

Тошкентда қариб 1600 Қаҳрамон она истиқомат қилмоқда. Кўп болали оналарни орден ва медаллар билан мукофотлаш ҳақидаги Фармон таъсис этилган кундан буён ўтган 41 йил ичида 99 мингдан ортиқ она бундай мукофотлар билан тақдирланди.

Тошкентда оналик шуҳрати байрамини ўтказишга қарор қилинди. Бундан уч йил илгари «Меҳнаткаш — онага, Қаҳрамон онага шон-шарафлар» шиори остида Ленин комсомоли номидаги боғда байрам ўтказилди. Унинг ташкилотчилари байрамга пухта тайёргарлик кўришди. Натижада кўпчилик кўп болали оилалар билан яқиндан танишди, улар билан биродарлашди, дўстлашишди. Кўп болали она Матлуба опа Тўлаганова «Таштекстильмаш» заводида меҳнат қилмоқда.

— Шаҳримизда 10 мингдан кўп болали оилалар яшамоқда. Фарзандларимиз меҳнат, мактабда ўқиш, болалар боғчасида тарбияланиш билан банд. Хонадонларимизда анъаналар кўпайиб бормоқда. Менинг хонадонимда ҳар бир фарзандимизнинг ўз олдига кўйган вазифаси бор. Биз оила бошлиқлари фарзандларимизда тадбиркорлик, меҳнатга муҳаббат туйғусини уйғотяпмиз. КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партиямиз хотин-қизларнинг меҳнати ва турмуши шароитларини янада яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилинажагини уқдириб ўтди.

Ўтган йили СССР Олий Совети Президиумининг «Қаҳрамон она» фахрий унвонини бериш тўғрисидаги қарорининг 40 йиллиги шарафига Тельман номли боғда «Қаҳрамон она» театрлаштирилган байрами ўтказилди.

Онанинг фарзандларига бўлган муҳаббати ғоятда чексиздир. Бу муҳаббатни бирорта туйғу билан таққослаб бўлмайди.

Оилалар байрами, кўп болали оналарни нишонлаш яхши самаралар бермоқда. Халқимизда шундай гап бор: «Мустаҳкам оила, мустаҳкам қўрғондир».

— Байрамлар ҳар бир жойда гўзал ва қизиқарли ташкил этилса, бу чиндан ҳам замонавий маросимдир, — дейди Назира опа Усмонова. Бизнинг бахтимиз бутун совет кишиларининг бахт-саодати билан чамбарчас боғланган. Менинг 14 ўғил ва қизим партия ва ҳукуматимизнинг қилаётган чексиз ғамхўрлигидан ғоятда баҳраманд бўлишмоқда.

Биз байрамда қатнашаётганимизда Совет Армияси сафларида хизмат қилаётган ўғлим Ботир билан учрашиш шарафига муяссар бўлдик. Бу гўё тўй устига тўй бўлгандек бўлди. Жуда чексиз қувондик. Ҳозирда ўғлим жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси. Яқин ойларда хизматини адо этиб бағримизга қайтиб келади. Қизим Гули отаси билан чинни буюмлари заводида меҳнат қилмоқда. Яна бир қизим Гўзал қўш фарзанд — Хусан ва Фотима туғди. Бу ҳам биз учун катта шодиёнадир.

Шаҳримизда жуда кўп ажойиб оилалар бор. Улар Шодмоновлар, Нурматовлар, Одиловлардир... Оилалар ва оналар байрамларни турмушимизда ўзининг фахрли ўрнини эгаллаши керак.

Байрамларни яхши ўтказиш юзасидан биз, сиз — азиз тошкентликларнинг фикр ва мулоҳазаларингиз ёзилган мактубларни кутамиз.





3. ЁРҚИН ҲАЁТИМИЗ ЗИЙНАТИ

Коммунистик ахлоқнинг такомиллашишида оилавий маросимлар, янгича урф-одатлар муҳим роль ўйнамоқда. Тўйлар, янги уйга кўчиш, балоғат ёшига етиш, оилавий юбилейлар сингари бир қатор маросимлар инсонларнинг бир-бирига бўлган социалистик ҳамфикрлигини янги қирраларда намойиш қилмоқда. Уларни янада кўпроқ жипслаштираяпти.

Юқоридаги суратда бугунги совет бахтиёр оиласи тасвирланган. Улар турмушларидан мамнун. Бунн уларнинг юзларидан кўриш мумкин. Бошқа суратда эса кўп болали оналарни шарафлаш тасвирланган. Бу маросим шаҳримизда яхши анъанага айланиб бормоқда. Ҳозир бир вақтлар аёллар юзини беркитган паранжи ва чачвонларга асло ўрин қолмади. Ёш авлод уларни фақатгина суратларда кўришмоқда. Бугунги ўзбек аёли — жамиятимизнинг ҳақиқий аъзоси, қаҳрамон она эса давримизнинг энг ҳурматли кишисидир.

Никоҳ тўйларида келинлар либоси айниқса гўзал бўлади. Ўғил уйлантириш, келин тушириш тўйлари кун сайин янгича маросимга айланмоқда. Ушбу суратдаги бахтиёр келин ва куёвга назар ташлар экансиз, бенхтиёр уларга бахт тилашга ҳаракат қиласиз. Улар ўз бахтларига бутун умр бўйи содиқ қолишсин, дегингиз келади.

Халқимизда қадимги яхши анъаналар ҳамон сақланиб қолган. Шу боисдан ҳам суратдаги бир группа отахонлар ҳар оқшом учрашишиб ўзаро суҳбатлашишади, шахмат ўйнашади, беғубор ҳаётимиздан миннатдор бўлишади.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган айни шу кунларда совет кишиларн жангчиларимизнинг эришган матонатли ғалабаларини бир дақиқа ҳам унутишмайди. Биз она-Ватан учун жонини фидо қилганларни доимо ёдда сақлаймиз. Шу боисдан ҳам номаълум солдат қабрида пионерлар фахрий саф тортишиб, алвон гуллар доимо бу ерни безайди. Номаълум солдат қабри ёнида бугунги совет кишиларининг бир қатор авлодлари фахрий қоравулликда туришиб, жангда ҳалок бўлганларга ўз ҳурмат ва эҳтиромларини билдиришган.







ДОНОЛАР БИСОТИДАН

ЯХШИ ОИЛА — БАХТ РАМЗИ

Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган, энг мустаҳкам муҳаббатдир, шунинг учун ҳам кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбахш туйғусидир.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ.

●

Оила инсон ҳаётига тўкислик бағишлайди, оила бахт келтиради, ҳар бир оила, айниқса, социалистик жамиятдаги оила, энг аввало, давлат аҳамиятига эга бўлган қутлуғ ишдир.

А. С. МАКАРЕНКО.

●

Агар ҳаётимизнинг барча мақсад-мазмуни шахсий бахтимиздан иборат бўлганда, шахсий бахтимиз эса бир-гина муҳаббатда ўз ифодасини топганда эди, унда ҳаёт деганлари чиндан ҳам қоп-қорон-ғи саҳро бўлиб қолар эди... Инсон учун юракнинг маънавий оламидан ташқари ҳаётнинг яна бошқа буюк олами ҳам — тарихан мулоҳаза, мушоҳада юритиш ва ижтимоий фаоллик олами ҳам бор.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ.

●

Оилавий ҳаёт ўзаро муҳаббат билан боғланган бўлса, катта бахт келтириши мумкин.

Н. К. КРУПСКАЯ.

●

Ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир.

Л. Н. ТОЛСТОЙ.

●

Оила табиатнинг шох асарларидан биридир.

Ж. САНТАЯНА.

●

Оила — жамиятнинг дуру гавҳари.

В. ГЮГО.

АКТИВЛАР КЎМАГИ БИЛАН

Куйбишев районидаги I-«Қорасув» массиви шаҳримизнинг энг ёш ва обод массивларидандир. 1978 йилда ташкил топган «Янги ҳаёт» маҳалласи» эса массивдаги аҳил маҳаллалардан бири бўлиб, бу ерда депутатлар ва маҳалла аҳлининг ташаббуси билан маданий дам олиш учун мўлжалланган янги бино қурилди, қизил бурчак ташкил этилди.

Бу ерда турли маросимлар, республиканинг донгдор кишилари билан учрашувлар ўтказилмоқда, лекциялар тингланмоқда.

Маҳаллада ўтказиладиган тадбирларга маҳалла комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Мазхар Солиҳов ҳамиша бошқош бўлмоқда. Шунингдек, маҳаллада ўнга яқин янгича тўйлар, армия сафига кузатиш каби тантаналар ўтказилди.

Бир неча тадбирлар, шу жумладан, ажойиб маросим — Халқаро хотин-қизлар байрамини ўтказишда маҳалла хотин-қизлар советининг раиси Умидахон Исломова, Куйбишев район 209-мактаб ўқитувчиси Инобатхон Абдуқодирова, уй бекаси Анорхон Ғафурова ва бошқаларнинг ҳиссалари катта бўлди. Буларнинг ташаббуси, маҳалла активларидан Абдушукур ва Ғайрат Ўтбосаровларнинг фаоллигида янгича тадбирлар мароқли ўтмоқда.

Маҳалла коллективи бир оиладек аҳил. Улар ҳар бир янгича анъанани чинакамига намуна бўладиган байрам кечасига айлантиришга интилишади. Маҳаллада истиқомат қилувчи санъат вакиллари, 209-мактаб, 105-мактаб-интернат ўқитувчи ва тарбиячилари ёрдамларини аяшмайди. Маҳалла активларининг ўтказган тадбирлари барчада яхши таассурот қолдирмоқда.

Кишиларнинг бир-бирлари билан янада аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб яшашларига кўмаклашувчи янгича анъана ва урф-одатларга тобора катта эътибор берилаётгани нур устига аъло нур бўлмоқда.

А. ТОЛИПОВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

8 АПРЕЛЬ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

8 АПРЕЛДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«МАНА БУМБО ҲАМ КЕЛДИ»

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ



Сценарий муаллифлари — Ю. ДУНСКИЙ, В. ФРИД.

Режиссёр — Н. КОШЕВЕРОВА.

РОЛЛАРДА: Т. Пельтцер, В. Золотухин, С. Немоляева ва бошқалар.

А. Куприннинг машҳур «Қиз бола ва фил» эртаги ва унинг цирк ҳақидаги дастлабки ҳикоялари асосига қурилган мазкур фильмда орзу-ниятнинг ҳаётбахш кучи, ҳақиқий цирк артистларининг қалб гўзаллиги ва олижаноблиги ҳақида ҳикоя қилинади.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

19 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДАН БОШЛАБ ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИДА

«ҒАЛАБА»

ИККИ СЕРИЯЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ НАМОЙИШ ҚИЛИШ БОШЛАНАДИ.

Сценарий муаллифлари — В. ТРУНИН, Е. МАТВЕЕВ.
Режиссер — Е. МАТВЕЕВ.

РОЛЛАРДА: А. МИХАЙЛОВ, А. МИРОНОВ, Р. ЧХИКВАДЗЕ, Г. МЕНГЛЕТ, А. МАСЮЛИС ВА БОШҚАЛАР.



Фильм «Мосфильм» (СССР) ва «ДЭФА (ГДР) киностудиялари ҳамкорлигида тайёрланган.

А. Чаковскийнинг «Ғалаба» романи асосида яратилган бу картина бундан 40 йил муқаддам халқаро муҳитни заҳарлашга ва тинчлик ҳамда халқлар хавфсизлиги ғояларининг тантанасини барбод қилиш учун ҳар қандай воситаларни ишга солишдан тоймаган ғарб пропагандасига қарши жамоатчиликнинг тараққийпарвар кучлари олиб борган долзарб кураш проблемаларига бағишланган.

Икки тарихий воқеа фильм мазмунига асос қилиб олинган: уч давлат — СССР, Англия, АҚШ иштирокида 1945 йилда ўтказилган Потсдам конференцияси ва 1975 йилда Хельсинкида бўлиб ўтган Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги бўйича кенгаш асос қилиб олинган. Ана шу иккала воқеа картинанинг бош қаҳрамони, совет журналисти Воронининг кўз олдидан ўтади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ.

ЭЛЕКТРОНИКА

ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ
пул ўтказиш йўли билан қуйидаги сериали микросхемаларни
СОТАДИ

К 145 ИК 1801	КР 580 ИК 51
К 145 ИК 1802	КР 580 ИК 55
К 145 ИК 1807	КР 580 ИК 57
К 145 ИК 1901	КР 580 ИК 80 А
К 145 ИК 1906	КР 580 ВИ 59
КР 556 РТ 4	КР 580 ВИ 53
КР 556 РТ 5	

Магазин адреси: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон 33-68-60.

«ЭЛЕКТРОНИКА» ТОШКЕНТ ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
42-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: саноат ускуналари бўйича **слесарь-ремонтчи,** металл бўйича **токарь:** (токарь-револьверчи, токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), **механикайиғиш ишлари слесари** (разметкачи, станок ва слесарлик ишлари контролёри), **электр-монтажчи, электр-газ пайвандчи, фрезерчи, электр-штамповкачи, куювчи-қолипловчи.**

Шу ихтисослар бўйича ўқиш муддати: 8 синф ҳажмидаги маълумотлилар учун 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун бир йил, Совет Армиясидан запасга бўшатилганлар учун —6 ой.

15 дан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларининг ўртача бали 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Билим юрти ўқувчилари давлат томонидан текин кийим-бош, овқат (4 маҳал) билан таъминланадилар. 6 ойлик курс студентларига ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практика давридаги меҳнат ҳақининг 33 процент и берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт. 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар жойларидан прописка ндан ўчишлари ва билим юрти ётоқхонасига прописка дан ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учёт карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар; 8, 9, 165, 112, 60, 24, 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг
49-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8-10-синф маълумотидаги ёшлардан малакали ишчилар тайёрлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича
1985-86 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8-синф: ҚАНДОЛАТЧИ, НОН-БУЛКАЛАР ПИШИРУВЧИ НОВВОЙ, ХИМИК-ЛАБОРАНТ, КОНТРОЛЬ-ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ ВА АВТОМАТИКА СЛЕСАРИ, РЕМОНТ ВА СОВУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, КОНФЕТЧИ-ШОКОЛАДЧИ. **Ўқиш муддати —3 йил;**

Бу ихтисослар бўйича ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқувчилар уч маҳал овқат, зарур кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга улар ишлаб топган иш ҳақининг 50 процент и тўланади. Ўқиш тамом бўлгач уларга тегишли малакани эгаллаганлиги, ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

10-синф: ЭЛЕКТРИК-АППАРАТЧИ, ОПЕРАТОР. **Ўқиш муддати** —6-10 ой. Ўқувчиларга 100 сўм миқдорида стипендия тўланади, улар ётоқхона билан таъминланадилар;

Шунингдек, қандолатчи-новвой, карамелчи, конфетчи-ширинликпаз, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика слесари, ремонт ва совутиш қурилмаларига хизмат кўрсатувчи механик. Ойига 30 сўм миқдорида стипендия тўланади ва ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган иш ҳақининг 50 процент и берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун имтиёзли шароитлар яратиб берилади.

Билим юрти қошида «Такт» ансамбли, қатор спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, яшаш жойидан ва саломатлиги ҳақидаги справкалар, фотосуратлар (3х4 см. ҳажмида).

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй (15, 23, 45, 81, 106, 177, 171, 183-автобуслар, 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
А. ҲУЖАЕВ НОМИДАГИ 12-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985-86 ўқув йили учун

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Тошкент шаҳри қурилишларида ишлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди.

— БЎЁҚЧИ-ҚУРУВЧИ, ДУРАДГОР-ҚУРУВЧИ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ГАНЧ ЎИМАКОР-НАҚҚОШИ. **Ўқиш муддати — 3 йил.**

Ўқишга 8-синфни битирган ёшлар қабул қилинадилар. Ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Ўқувчилар билим юртини битирганларидан кейин уларга ўрта маълумот ва касб эгаллаганликлари тўғрисида диплом берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процент и ўқувчиларга тўланади.

Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган ва 10-синфни битирганлар учун сувоқчи-бўёқчи, дурадгор, электр пайвандчи ихтисосликлари бўйича 3 ва 6 ойлик курслар ташкил этилади.

3 ва 6 ойлик курсларга қабул қилинганлар учун ойига 72 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида билим юртида техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, волейбол, баскетбол, футбол, эркин кураш, самбо, дзюдо, бокс, шашка ва бошқа спорт секциялари ишлаб туради.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига кириш учун (конкурсдан ташқари) йўлланма билан юборилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

3 ва 6 ойлик группаларнинг машғулоти — группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, таржимаи ҳол, справкалар: турар жойидан, медицина (286-форма), мактабдан характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Аризалар якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: 700131, Тошкент шаҳри, 131-алоқа бўлими, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, 26-квартал, 1-уй (3, 54, 187-автобуслар; 4, 9, 17-трамвайларнинг «Поликлиника» бекати). Телефонлар: 76-27-56, 76-36-58.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/IV да **Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Аҳмедованинг ижодий кечаси** (17.00), **Спартак** (19.30), 9/IV да **Майсаранинг иши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/IV да **Бой ила хизматчи.**

кино

8 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Санъат саройи** (кичик зал, 18.30, 20.45; телефон 44-21-44).

«ЯРАМАСНИНГ ЎЛИМИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«ТУТСИ» — **Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Ватан** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНА БИР ТУНИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ПЕШҚАДАМ» — **Восток** (17, 19, 21.00).

«СПАРТАК» — **Лисунов номли** (17, 20.00; телефон 96-34-02), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00; телефон 33-44-52).

«ИЎҚ ҚИЛИШГА КИРИШИЛСИН» — **Фестиваль** (17, 19.30).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Ҳамза номли** (18.30, 21.00, телефон 91-10-51).

«ШАХСИЙ ДЕТЕКТИВ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИССАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18.00).

9, 10 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 44-21-44).

«ЯРАМАСНИНГ ЎЛИМИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ТУТСИ» — **Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Ватан** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНА БИР ТУНИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ПЕШҚАДАМ» — **Восток** (13, 15, 17, 19, 21.00).

«СПАРТАК» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52).

«ИЎҚ ҚИЛИШГА КИРИШИЛСИН» — **Фестиваль** (11, 14, 17, 19.30).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Ҳамза номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-10-51).

«ШАХСИЙ ДЕТЕКТИВ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ХИЗМАТДОШ ОШИҚЛАР ҚИССАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18.00).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
9 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДА
СССР Биринчилиги учун
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «РОТОР» (Волгоград) КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган. Коллектив заявкалар қабул қилинмоқда.

ТВ

душанба

8 АПРЕЛЬ

● МТ I

17.35 «Дўстлик альбомига». Венгрия.
18.45 «Ишлар ва одамлар». Подмосковье қишлоқ қурувчиларининг меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини такомиллаштириш тажрибаси ҳақида. 1-кўрсатув.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Хавф-хатар. Япония сиёсатидаги милитаристик тенденциялар».
19.45 «Фан ва техника».
19.55 Ж. Сарман. «Мамура». Фильм-спектакль.
21.30 «Время».
22.05 «Мамура». фильм-спектаклининг давоми.
23.00 «Футбол шарҳи».
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 МТ ва БР эстрада симфоник оркестрининг концерти.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Славяногорск». Телефильм.
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Гандбол. Европа чемпионларининг кубоги. Хотин-қизлар. Финал. «Спартак» (Киев) — «Раднички» (Югославия).
21.15 Хор ижро этади.
21.30 «Время».
22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ҳар уч кишидан бири». Бадиий фильм («Ўзбекфильм» ва «Белорусьфильм»).

● ЎзТВ I

17.35 Янгиликлар.
17.45 «Нурлан бахти», «Саккизоёқлилар», «Қора чигиртка». Мультфильмлар.
18.15 «Пионерлар мамлакатида».
18.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бурчга садоқат...»
19.15 «Агар соғлом бўлай десанг» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Ойбек. «Қуёш қораймас».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Павана мавра». СССР халқ артисти Бернора Қорниева иштирокида бир саҳнали балет.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Беором кун». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Қизиқарли математика».
18.50 «Океандаги орол». Телефильм.
19.10 «Давлат нуқтаи назаридан». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Қария». Телевизион бадиий фильм (рус.).

сешанба

9 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Горнчилар, қаердасиз!»
10.10 Ж. Сарман. «Мамура». Фильм-спектакль.
12.35 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бизнинг замондошимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
16.35 «Будапешт. Москва майдони». Киноочерк.
16.50 Халқ куйлари.
17.10 «Ерда, самода ва денгизда».
17.40 «Бемаврид». Телефильм.
18.05 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. П. Девятаев билан учрашуви.
18.40 Скрипкачи Ш. Лакаташ чалади (ВХР).
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 «Бу заминни севмай бўладими...» Фильм-концерт премьераси.
20.30 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 7-фильм — «Днепр учун жанг».
21.30 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва замон». Ю. Бондарёв.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Духовой оркестр чалади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Кўкламда, қишлоқда Сидоровлар ҳузурида». Телефильм.
9.35, 10.35 Тарих. 5-синф. Спартак қўзғолони.
10.05, 14.10 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия.
11.35, 12.40 Музика. 7-синф. М. П. Мусоргский.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.10 «Табиатшунослик» кўрсатувининг почтаси.
13.40. Совет тасвирий санъати. Б. И. Пророков.
14.40 Тарих саҳифалари. «Унутиш мумкин эмас...» Уч иттифоқчи давлат раҳбарларининг 1943 йил Теҳрон конференцияси ҳақида.
15.40 «Учрашувлар ва мулоҳазалар. Инсон ва космос». Телефильм.
16.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
17.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Шахтёр» — «Динамо» (Киев).
23.45 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Д. Жилинский.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Полизчи хўтик». Мультфильм.
18.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Ротор» (Волгоград). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.15 «Ўсимликларни қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликлардан ҳимоя қилиш». Ўрта Осиё Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институтининг директори С. Алимуҳамедов сўзи.
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР Давлат телерадиоси камер оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Партия турмуши».
22.35 «Ҳаётнинг бошланиши». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Биология. Генетикадан масалалар ечиш. 2-кўрсатув.
18.50 «Гўзалликка таъзим». Телефильм.
19.20 Врач маслаҳати.
19.30 «Илм сари». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «...ва биз биргалашиб курашамиз». Ҳужжатли фильм.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА

Тошкент шаҳрининг халқ йўли сув қувурида ремонт-профилактика ишлари олиб борилиши муносабати билан шу йил 9 апрель соат 10.00 дан 10 апрель соат 12.00га қадар Киров ва Октябрь районларида, Юнусобод ва Қорақамиш турар жой массивларида совуқ сув босими камайтирилади.

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ.

«Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ер ости газопроводи хизмати ходими

Фарид Мажидович

ИЛЕСОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

0-65 СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

Сиз ана шу телефон орқали қўнғироқ қилиб, машиний хизмат устахоналари кўрсатадиган хизматнинг иш соатлари ва номларини билиб олишингиз мумкин:

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОМБИНАТЛАРИ, КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ТИКИШ АТЕЛЬЕЛАРИ, МАИШИЙ-ТЕХНИКА, ТЕЛЕВИЗОР РЕМОНТИ БЎЙИЧА устахоналар, телерадио ательелари, кир ювиш устахоналари, сартарошхоналар, **химчистка, прокат пунктлари.**

ХАЙРЛИ ХИЗМАТ БЮРОСИ

сизнинг кичкинтойларингизни парвариш қилиш учун энагалар топишга,

квартираларни ораста қилиш, шаҳримизга келган меҳмонларни эса квартираларга жойлаштиришга ёрдам беради.

«0-65» ХИЗМАТИ

сизнинг хоҳишингизга кўра якка тартибда хизмат кўрсатиш юзасидан сиз билан шартномалар тузади.



Бундай ҳолда сиз бутун йил мобайнида сизни қизиқтирган барча масалалар бўйича ямада тўла ахборотлар олишингиз мумкин.

Шартнома тузиш юзасидан «0-65» телефони орқали қўнғироқ қилинг.

Ўзбекистон ССР Аҳолига машиний хизмат кўрсатиш министрлигининг «0-65» справка-ахборот хизмати қуйидаги адресда жойлашган: Тошкент шаҳри, 1-Май кўчаси, 1-уй.

«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОВИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон —77-84-77).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

8 АПРЕЛЬ, 1985 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р —12182. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.